

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 57 (10.866)

Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ Янгиликлар, воқеалар

2007 — Ижтимоий ҳимоя йили

ХАРИДОРГИР МАҲСУЛОТЛАР ЯНАДА КЎПЯЯДИ

Республикада хорижий сармоядорлар билан ҳамкорликда ташкил этилиб, юртимиз иқтисодий тараққиётига салмоқли ҳисса қўшиб келадиган қўшма корхоналар анча. Улардан бири пойтахтимиздаги «Совпластитал» Ўзбекистон-Италия қўшма корхонасидир. «Совпластитал»да пластмасса, рангли шиша, чинни, сопол ва бошқа хомашёлардан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг тури саккиз мингдан ошди. Илгари юз фоиз хомашё четдан келтирилган бўлса, кейинги пайтда унинг муайян қисми «Шўртангаз-кимё» мажмуи маҳсулотлари билан таъминланмоқда.



Корхонада тайёрланаётган уй-рўзгор буюмлари, уйинчоқлар, сувенирлар ва бошқа кўплаб турдаги халқ истеъмол моллари нафақат мамлакатимизда, балки хорижда ҳам харидорғир. Қишлоқ ҳўжалиги учун ишлаб чиқарилаётган ирригацион комплекслар, чиқиндиларни механизациялашган тарзда олиб чиқиб кетиш имконини берадиган контейнерлар, мөва-сабзавот ва бошқа нарсалар солишга мўлжалланган идиш-товуқлар ҳамда пластик шланглар ўзининг сифати, қулайлиги, арзонлиги, санитария-гигиена ва экология талабларига тўла мослиги билан миждоғларга маъқул бўлмоқда. Замонавий техника ва асбоб-ускуналар, пластмасса қайта ишлаш, буюмларга шакл ва безак бериш технологияларига эга корхонада стадион ва теннис кортилари учун пластмассадан тайёрланаётган ўриндилар, хар хил фасонли катта-кичик стол-стуллар ҳам ана шундай бозори чаққон маҳсулотлардир. Кўзга кўнатирадиган, бир қарашда табиийдан фарқлаш анча мушкул бўлган турли сунъий гул ва дарактлар, чиннидан ишланган нафис ва бежирим буюмлар хар қандай киши эътиборини жалб этиши шубҳасиз.

Корхонада турли фирма, корхона ва ташкилотларнинг буюртмаси асосида хар хил ҳажмдаги полиэтилен пакетлар ишлаб чиқариш ҳам яхши йўлга қўйилган. Айни пайтда бу ерда олти юз нафарга

яқин ишчи ана шундай маҳсулотларни ишлаб чиқариш билан банд. Уларнинг аксарияти — ёшлар. — Утган йили Учтепа туманидаги миллий хўнармандчилик касб-хўнар коллежини битириб, шу ерга ишга кирдим, — дейди Н.Рўзметова. — Иш давомида хўнармандчилик бўйича ўқиб-ўрганганларим асқотди. Устозим Альбина Муҳлисовадан кўп нарса ўргандим. Корхонамизда ёш кадрларнинг ўсиб-униши учун барча шароит яратилган. — Маҳсулот турини бозор талабларидан келиб чиққан ҳолда доимий янгиллаб борамиз, — деди корхона бош директори Александр Мелкумов ўза мухбирига. — Юртимизда бизнесни ривожлантириш учун яратилган қулай шароитдан унумли фойдаланишга, ички ва ташқи бозорда ўрнимизни янада кенгайтиришга ҳаракат қилаёмиз. Хўзир маҳсулотимизнинг 20 фоизи Россия ва Қозғистонга экспорт қилинмоқда.

Корхона маҳсулотлари Европа, Америка ва Осиё мамлакатларида ўтказилган турли халқаро кўргазма ва танловларда бир неча бор диплом ва ёрликлар билан тақдирланган. Кўплаб хорижий корхона ва савдо-сотик фирмалари билан яқин ҳамкорлик ўрнатган «Совпластитал»нинг жаҳон стандартларига мос маҳсулотлари жойларда очилган савдо уйлари ва магазинлари орқали истеъмолчиларга изчил етказиб берилмоқда. Бозор конъюктурасини доимий ўрганиб бораётган ушбу корхонанинг савдо уйи ва



магазинлари Тошкент, Самарқанд, Урганч шаҳарларидан ташқари Россия ва Қозғистонда ҳам ишлаб турибди. Бу борадаги ишларни жадаллаштириш мақсадида утган йили Фарғона шаҳрида магазин очилган бўлса, яқинда Қозғистонда иккинчи савдо уйи фаолият бошлади. Корхонада касаначиликни ривожлантириш борасида ҳам изчил ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 60 нафарга яқин хотин-қиз уйда пластмасса гуллари йиғиш билан шуғулланади. Улар ўз меҳнати билан оиласи ва юртимизда наф келтиратганидан мамнун.

Бунда Юртбошимизнинг 2006 йил 5 январда эълон қилинган «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтириш» раёсатини чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони дастуриламал бўлмоқда. Корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифат ва салмогини янада ошириб боришга оид ишлар изчил давом этади. Булардан кўзда тутилган асосий мақсад экспорт ҳажминини ва маҳсулот рақобатбардошлигини ошириш орқали халқимиз турмуш фаровонлигини янада юксалтириш ишига муносиб ҳисса қўшишдан иборатдир.

Холмурод САЛИМОВ, ўза мухбири Мухаммад Амин (ўза) олган суратлар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНING ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

22 МАРТ КУНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНИНГ НАВБАТДАГИ МАЖЛИСИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Депутатлар Қонунчилик палатаси Кенгаши томонидан тақлиф этилган кун тартибини тасдиқладилар. Мудофаа ва хавфсизлик масалалари кўмитаси аъзоси У.Исмоилов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил 12 майда қабул қилинган «Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турларининг рўйхати тўғрисида»ги 222-И-сонли Қарорининг биринчи иловасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси тўғрисида ахборот берди. Ҳужжатнинг модда-модда муҳокамаси чоғида киритилган тақлифларни ҳисобга олган ҳолда депутатлар Қонунни қабул қилдилар.

Иккинчи ўқишда кўриб чиқиш учун киритилган «Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси тўғрисида Саноат, қурилиш ва савдо масалалари кўмитаси аъзоси С.Азизов маъруза қилди. Депутатлар қонун лойиҳасининг хар бир моддасини батафсил кўриб чиқиб, муҳокама чоғида билдирилган фикр-мулоҳазаларни ҳисобга олган ҳолда маромига етказилганидан кейин қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда кўриб чиқишга қайтиш тўғрисида қарор қабул қилдилар.

Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислохотлар кўмитаси аъзоси А.Қозлов томонидан тақдим этилган «Ўзбекистон Республикаси телекоммуникациялар тармоқларида тезкор қидирув тадбирларини ташкил этиш самарадорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини кўриб чиқди. Депутатлар ҳужжатнинг модда-модда муҳокамаси жараёнида уни янада такомиллаштиришга қаратилган қатор тақлифлар киритдилар ва билдирилган фикр-мулоҳазаларни ҳисобга олган ҳолда қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда қабул қилдилар.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг мажлиси 27 март куни давом этади. (ўза)

МАМЛАКАТИМИЗДА

Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ўзбекистон Халқ демократик, Фидоқорлар миллий демократик, «Адолат» социал-демократик партиялари фракцияларининг йиғилишлари бўлиб ўтди. Унда «Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»ги кодексининг 125-моддасига ўзгартиш киритиш ҳақида»ги, «Фуқаролар соғлигини тиклаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунлар лойиҳалари муҳокама этилди.

Бугун Тошкентдаги «Ўзқўрғазмасавдо» мажмуасида Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун тадбиркорлар, фермерлар ва хўнармандлар ўртасида ўтказилган «Ташаббус — 2007» кўрик-танловининг республика якуний босқичи бошланди.

Бугун Тошкентдаги «Саёҳат» меҳмонхонасида шашка бўйича ёшлар ва ўсмирлар ўртасида Осиё чемпионати баҳслари бошланди. 31 мартга қадар давом этадиган китъа чемпионатида Осиёнинг ўндан ортик мамлакатларидан келган моҳир спортчилар ўзаро баҳс юритмоқда.

Ўзбек-япон марказида Япония ҳукуматининг кичик кўламли ижтимоий лойиҳаларга беғараз кўмак кўрсатиш йўналиши бўйича грант-шартномаларини имзолаш маросими бўлиб ўтди. Ажратилган грант маблағлари доирасида Жарқўрғон, Қумқўрғон ва Қарши туманларидаги учта мактаб спорт анжомлари, тикув машиналари ва мебеллар билан жиҳозланади. Шунингдек, Фарғона вилоятидаги «Бегойим» аёлларни ижтимоий-иқтисодий муҳофаза қилиш марказига ҳам замонавий анжомлар харид қилинади.

«Экосан» халқаро ташкилоти ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларни аниқ ижтимоий муҳофаза қилиш ва уларга ижтимоий хизмат кўрсатиш учун «Нуроний» жамғармаси билан ҳамкорликда Наврўз байрами арафасида «Нуроний» шифохонасида хайрия тадбири ўтказди. Унинг доирасида мазкур шифохонага 4 миллион сўмлик инсонпарварлик ёрдами кўрсатилди, шифохона кўрпа-тўшак гилофлари билан тўлиқ таъминланди.

ЖАҲОНДА

Грузия парламенти республиканинг Шимолий Атлантика альянсинга зудлик билан кириши тўғрисидаги декларацияни қабул қилди. Мазкур ҳужжат бир овоздан тасдиқланди. Унга НАТОга аъзолик тўғрисидаги масала юзасидан яқинда парламент фракциялари етакчилари томонидан имзоланган миллий келишув меморандуми ҳам илова қилинди.

Кеча сайланганидан сўнг ilk бор Ироққа ташриф буюрган БМТ Бош котиби Пан Ги Муннинг мамлакат Бош вазири Нури ал-Малики ўртасида ўтказилган музокараларини бино атрофида портлаган бомба узиб қўйишга оз қолди.

Англияда 2005 йил июль ойида амалга оширилган ва охир-оқибатда 52 киши ҳаётдан кўз юмган тўртта террорчилик ҳаракатига алоқадорликда гумон қилинган уч киши ҳибсга олинди. Агарда мазкур уч кишига 28 кун давомида исботланган айб қўйилмаса, улар овоз қилиниши мумкин.

Хитой ҳукумати аҳолининг жамғармалари асосида фаолият юритувчи хорижий банкларга мамлакатда ўз бўлимларини очишга рухсат берди. Айтиш кераки, ҳозирда Хитой дунёдаги энг истиқболли бозор дега эътироф этиляпти ва мазкур мамлакатдаги аҳолининг шахсий жамғармалари 2 триллион доллар миқдорига баҳоланмоқда.

Швеция полицияси телефон орқали номтаълум шахс ҳуқуқ-тартибот идораларини станцияда бомба борлигидан огохлантирилганлиги сабабли Форсмарк атом электр станциясида жиддий текширув ўтказди. Изланишларга қарамай, ҳеч қандай бомба топилгани йўқ.

Лондонда шу йилнинг ноябридан 2008 йил августигача фиръавн Тутанхамон даҳмаси ҳазиналари кўргазмаси бўлиб ўтади. Ташкилотчилар кўргазмага 2 миллиондан ортик кишининг ташриф буюришига умид қилишмоқда. Чунки унда «Мингйиллик гумбазлари» мажмуасидаги 130 та ноёб тарихий ашё намойиш қилинади.

Американинг Space Exploration Technologies корпорациясига тегишли дастлабки ҳусусий ракета — «Falcon-1» орбитага яқинлашаётган чоғида кулаб тушди. Шундай бўлса-да, Маршалл оролидан учтирилган ракетанинг дастлабки натижалари яхши баҳоланди. Корпорация раҳбари Илон Моск фазога етиб борган ракетадаги камчиликларни ўрганиб олганидан мамнун эканлигини билдирди.

Америкада чоп этиладиган «Форбс» журналы эълон қилган янги рўйхатга кўра, жаҳондаги миллиардерлар сони 946 тага етган. Журналда қайд этилишича, бу йил инсоният тарихида энг бой йил бўлган. Яъни, журнал бир йил мобайнида маблағ АҚШ долларида миллиардни ташкил этадиган кишилар сони 35 фоизга ошганини қайд этади.

ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Гидрометеорология хизмати марказининг маълум қилишича, 23 март куни Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмади. Шарқдан секундида 3-8 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 6-8, кундузи 16-18 даража илик бўлади.

АХИЛ ЭЛГА БАЙРАМЛАР ЯРАШАДИ

ПОЙТАХТИМИЗНИНГ БОБУР НОМИДАГИ МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОҲАТ БОҒИДА НАВРЎЗГА БАҒИШЛАНГАН МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ ТАДБИР БЎЛИБ ЎТДИ. РЕСПУБЛИКА БАЙНАЛМИЛЛАЛ МАДАНИЯТ МАРКАЗИ ТАШАББУСИ БИЛАН ТАШКИЛ ЭТИЛГАН МАЗКУР ТАДБИРДА ЮРТИМИЗДАГИ МИЛЛИЙ-МАДАНИЙ МАРКАЗЛАР, ЖАМОАТ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА ХОРИЖИЙ ДИПЛОМАТИК КОРПУС ВАКИЛЛАРИ ИШТИРОК ЭТДИ.

Меҳр-муруват, яшариш ва янгиликлар айёми — Наврўз умумхалқ байрами сифатида бу йил ҳам мамлакатимизда катта кўтарижонлик билан нишонланаётди. Президент Ислам Каримовнинг Наврўз байрамига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзида таъкидланганидек, халқимизга мансуб фазилатлар, бағрикенглик ва ҳамжихатлик, аҳиллик ва ўзаро ҳурмат каби олижаноб қадриятлар одамларимизнинг онгу тафаккурида мустаҳкамланиб, уларнинг эртанги кунга ишончи тобора кўчиб бораётгани жамиятимизнинг бугунги сиёсий-иқтисодий муҳитини ифода этади. Айнан мана шундай маънавий иқлим мамлакатимизда кўлга киритилаётган, ўзгаларнинг хавасини тортаётган ютуқ ва марраларга эришишда, эркин ҳаёт ва демократик жамият қуришда кучли замин бўлиб хизмат қилмоқда.

Мамлакатимизда бугунги кунда бир юз ўттиздан ортик миллат ва элат вакиллари ягона оила фарзандларидек яшаб, меҳнат қилаётди. Юртимиздаги барча миллат ва элатларнинг миллий урф-одатлари, анъаналарини асраб-авайлаш, янада ривожлантириш учун барча шарт-шароитлар яратилган. Республика Байналмилал маданият



Республика Байналмилал маданият

Касба сатрларда
КЕЧА Ҳамза туманидаги Усмон Юсупов номи маҳаллада маҳалла фаоллари, ёшлари иштирокида «Тенгдош» маданият уйи ҳамкорлигида уюштирилган байрам тадбири ва концерт дастури «Наврўз — меҳр-муруват ва эзгулик айёми» деб номланди.
БУГУН Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси, Республика Саломатлик институти ҳамда мазкур институтининг Тошкент шаҳар филиали ҳамкорликларида шифокорлар иштирокида уюштирилган салбут анжумани 24 март — Бутунжаҳон сийга қарши кураш кунига бағишланди.
КЕЧА Тошкент шаҳар ИИББ Вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказида «Ассалом, Наврўзга олам» мавзусида ўтказилган тадбир ИЮСОБД туман маданият ва спорт ишлари бўлими, Ҳамид Олимжон номи маданият уйи ҳамда «Камолот» ЁИХ ЮНОСОБД туман бўлими Кенгаши ҳамкорликларида уюштирилди.
ЎТГАН кун Авиасозлар маданият саройида Ҳамза туман ҳокимлиги, туман хотин-қизлар кўмитаси, туман маданият ва спорт ишлари бўлими, Маънавият тарғибот маркази, «Маҳалла» жамғармаси, «Камолот» ЁИХ туман бўлими ва ҳамкорликларида Наврўз айёми муносабати билан уюштирилган байрам тадбирида туман фаоллари, ёшлар иштирок этишди.
ЎТГАН кун Шайхонтоҳур туманидаги «Ипакчи» маҳалла гузарига маҳалла фаоллари, ёшлари иштирокида ўтказилган тадбирда қатнашчиларга соғалар туғфа этилди.
(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўза мухбирларимиз хабарларидан).

Танловлар

ЛОБАР ҚИЗЛАР БЕЛЛАШДИ

БУГУНГИ КУН ЁШЛАРИНИНГ ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ОЛИШЛАРИ, ЖИСМОНАН СОҒЛОМ ВА БАҚУВВАТ, МАЪНАВОН БАРКАМОЛ БЎЛИШ ВОЯГА ЕТИШЛАРИ УЧУН ДАВЛАТИМИЗ ТОМОНИДАН БАРЧА ШАРТ-ШАРОИТЛАР ЯРАТИЛГАН. УЛАРИНИНГ МАЪНАВИЙ КАМОЛОТИ ЙЎЛИДА ЎТКАЗИЛИБ КЕЛАЁТГАН ТАДБИРЛАР, КЎРИК-ТАНЛОВ ВА МУСОБАҚАЛАР ҲАМ ФИКРИМИЗ ДАЛИЛИДИР.

Кун кеча Марказий Офицерлар уйда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши, Тошкент шаҳар Оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси, Тошкент шаҳар Хотин-қизлар қўмитаси, Маънавий тарғибот марказининг Тошкент шаҳар бўлими, «Соғлом авлод учун» жамғармасининг Тошкент шаҳар таянч маскани ҳамкорлигида маҳаллаларда истикомат қилаётган иқтидорли қизлар ўртасида, яъни бўлажак бекаларнинг эстетик маданиятини ошириш, оилавий ҳаётга тайёрлаш мақсадида ўтказилиб келинаётган «Маҳалланинг

намунали қизи» кўрик-танловининг шаҳар босқичи ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 25 майддаги Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 июндаги қарорини ҳаётга татбиқ этиш ҳамда ўсиб келаётган ёш авлодининг маънавий савиясини ошириш, оила, маҳалла ва Ватан ҳақидаги тушунчаларни янада теранроқ англаштириш, келгусида уларни оилапарвар қилиб тарбиялаш, интеллектуал салоҳиятини аниқлаш, урф-одат ва қадриятларга тўлиқ эга бўлишлариغا қўмаклашиш, ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишларини ташкиллаштириш, қизларни ҳаётга тайёрлаш орқали ёш оилаларда келиб чиқадиган муаммоларни бартараф қилиш каби хайрли мақсадлар йўлидаги ўшан танлов айтиш мумкинлиги, барча қатнашчиларда катта таассурот қолдирди.

Танлов иштирокчиларини аввал маҳалла, сўнгра туман босқичида ғолибликни қўлга киритган 11 нафар бири-бирининг лобар, доно, билимдон, 16 ёшдан 18 ёшгача бўлган қизлар ташкил этди.

Кўрик-танлов шартларида кўра қизлар ўз

маҳаллалари ҳақида шеърини тарзда тушулча бериб, пазандчилик сирлари, байрамона соч турмаги, саҳна кўриниши, савол-жавоблар орқали ўзларининг маҳорат ва билим даражаларини намойён қилдилар.

Танловда қатнашиб, ўн бир нафар зукко қизларнинг хатти-ҳаракатларию шартлар буйича жавоблари, ўзларини танишлари, урф-одат, анъана ва удумларимизни билишлари, бир сўз билан айтганда, менталитетимизга хос бўлган ноёб фазилатларини кўрганда дил яйради, эртамининг қанчалик пойдевори мустаҳкам эканидан кўнглимиз тўлди.

Ҳар бир шарт буйича имкон қадар тўлиқ жавоб беришга, устозлари, ота-оналари берган таълим-тарбияни оқлашга интиланган лобар қизлар беллашувида биринчи ўринга Шайхонтоҳур тумани вакиласи Дилбархон Каримова муносиб деб топилди. Иккинчи ўрин эса Миробод туманидан Зарифа Раҳматуллаева ва Юнусобод тумани вакиласи Дилъра Ибрагимоваларга насиб этди. Учинчи ўринни Ҳамза туманидан Моҳиғул Туропова, ақсақорлиқ Нигора Шомухамедова ва Сергели туманидан Муҳайё Ориповалар қўлга киритдилар.



Барча танлов қатнашчилари диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Шоира МУҲАМЕДОВА СУРАТДА: «Маҳалланинг намунали қизи» танлови ғолибаси Дилбар Каримова.

ЕР ШАРИНИНГ УЧДАН ИККИ ҚИСМИ СУВЛИКДАН ИБОРАТ. ЛЕКИН БУ ШУНЧА СУВ ИЧИШГА ЯРОҚЛИ ДЕГАНИ ЭМАС. УНИНГ ЖУДА ОЗ ҚИСМИГА ҚОРИМИЗГА ЯРАЙДИ. ШУНДАЙ ЭКАН ИНСОН МАНА ШУ БЕБАҒО НЕЪМАТДАН ОҚИЛОНА ФЙДАЛАНИШИ ДАРКОР. АҚС ХОЛДА...

СУВ КУНИГА БАҒИШЛАНГАН ЭКОФЕСТИВАЛЬ

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида 22 март — Бутунжаҳон Сув кунига бағишланган экофестиваль ўтказилди.

Маълумки, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош Ассамблеяси томонидан 2005-2015 йиллар сўв ҳамда сув таъминоти масалалари буйича халқаро миқёсда қабул қилинган мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш мақсадида «Сув — ҳаёт учун» ҳаракатлари халқаро ўн йиллик деб эълон қилинган.

Хозирги кунда сув захиралиридан барқарор, унулли ва оқилана фойдаланиш жаҳон миқёсда долзарб муаммолардан бирига айланган бораётганини соҳада мунтазам ҳамкорлик қилишни таъқоз эмтоқда.


Мавжуд вазият ҳақида жамоатчилик-

ни вақтида ва тўғри хабардор этиш, аҳолининг кенг қатлами, айниқса, ёшларнинг экологик маданиятини ошириш бориш масаланинг аҳимини ижобий ҳал этишда муҳим аҳимий касб этади.

Экофестивалда сув захиралиридан тўғри фойдаланган фермерлар, мазкур мавзунини ёритишда фаоллик кўрсатган бир гуруҳ журналистлар, «Сув — ҳаёт манбаи» танловига ғолибликни қўлга киритган мактаб жамоалари «Экосан» ташкилотининг совғалари билан тақдирланди.

«Экофестиваль «Наврўз, экология ва саломатлик» шиори остида ўтди.

Хусан СУЛАЙМОНОВ, «Туркистон-пресс»



МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

Талаб йўлида қил шитобандалик, Ки жуяндага келди ёбандалик. Талабнинг, мақсадинга томон тез қадам бўл, чунки истагучи — толғучидир.

Ташналаб бўлма баҳр ёнида, Қилма шеван тараб маконида. Дарёга яқин туриб ташна қолма, хурсандлик ва шодлик маконида йиғи-сигдиган гапирма.

Ташнага бер файз, э абри карамким, йўқ сенга, Гар суни юз қатла дарёдин олиб, дарёга соч. Қарам ва марҳаматни ташнага, муҳтожга қилиш керак. Агар булут суви дарёдан олиб, дарёга юз марта сочса, ундан нима фойда?

Тавозуъ яхши, аммо яхшироқдур, Агар даъб этса он аҳли давлат. Тавозе ҳар ким учун ҳам ёқимлидир, лекин давлат эгалари учун бу сифат яна ҳам яхшидир.

Тайилов аро барча бир навъ эмас, Хадисин ики кимса бир навъ демас. Ҳаёл ва фикрда ҳамма бир хил эмас, икки киши сўзини бир хил демайди.

Телба ўзин ўтга солса ногоҳ, Қуймак ишидин қачондур огоҳ. Телба (демона) ўзини ўтга ташлаганда қуйишдан не хабари бор?

Тилинг билан кўнглингни бир тут.

Тифл йилон нақшига мойилдур, Заҳрини билмаски, ҳалоҳилдур. Болалар илонни қўлга олиб, ўйнашга қизиқдилар, билмайдиларки, унинг заҳари ўлдирувчидир.

Тифл ҳижо билмай ўқур чун савод, Қил ўқурин зеру забар эътиқод. Энди саводи чиқиб келаётган ёш бола ўқиш қоидаларига риоя қилолмай ўқир экан, уни камситмай, анча ўсиб қолганини айтиб, қўнглини кўтариш керак.

Тилани ва гадо, кўпроги беғайрат ва беҳаё, кундуз кезмакларин ибром била элдин олмоқ учун ва кеча келиб, ўғриларга эл жиҳозига қўз солмоқ учун...

Тилани ва гадоиларнинг кўпи ғайратсиз ва уятсиздир, кундуз кунни кезмақдан мақсадлари юзсизлик билан халқдан нарсани олмоқ ҳам кечаси халқнинг молини ўғирламоқ учун қўз солмоқ кетмоқдир.

Тил илдамидин бўлур фаромат ҳосил, Юз навъ маломату надомат ҳосил. Тил тезлигидан (ўйламай гапиршидан) қийинчилик, турли маломат ва пушаймонликлар туғилади.

Тилга ихтиёрсиз, элга эътиборсиз.

Турфа замон ахлига биз мубтало, Ким йўқ алор олдида чиндек бало. Шундай одамларга йўлиққанмики, булар олдида рост сўзлашдек бало йўқ.

Тушса қадаҳ аро бўлур мўр, Тадбир керак чикарга, йўқ зўр. Чинни қосадаги сувга тушган чумолига ўзини қутқариш учун зўрлик эмас, тадбир керак.

Тутқил анинг ҳурмати ичра зарур, Қоидаи нуқтаи хайр ул-умур. Ҳурмат-сўйлаш тўғрисида ҳам ишда зарур ҳисобланган ўртачалик яхши.

Тухми тамачки, хорлик ўлимиш қилим бари, Сен бўйла хор тухмин экиб, кинма гул тамач. Таъма уруғлигининг меваси (ҳосили) хорликдир, сен бу хил тикан уруғи экиб, ундан гул умид қилма.

Тухми расвои дихад бар донаи тасбеҳи зарк, Оре-оре, дон жинси хешро бор овараст. Қимки кўзбўвечлик, алдамчилик уруғини экса, ундан расволик меваси ҳосил бўлади.

Тузлуқ эрмас шифосию воёси ҳам, Ким эгри кишининг эгридур соёси ҳам. Шифоси ва мақсади тўғри бўлмаган кишининг соёси ҳам эгри.

Тенгрики, инсонни қилиб ганжи роз, Сўз била ҳайвоқдин анга имтиёз. Худо инсонни ўз сирларининг ҳазинаси қилиб яратди. Нўқ адо этиш билан уни бошқа мавжудотдан афзал қилди.

Тан нечаким бор эса пасту дихам, Ҳиммат ар бўлса бийик — ондин не гам. Ҳиммат баланд бўлса, жуассанинг заиф ва кичиклигининг аҳамияти йўқ.

Тавозуъ ва адаб ахлига таъзим ва ҳурмат етар ва ул донаи эккан бу махсулни жамъ етар.

Тақаббур шайтон иши ва бийиклик нодон иши. Манманлик шайтоннинг, катталиқ нодоннинг иши. Тилки фасиҳ ва дилпазир бўлғай хўброқ бўлғай, агар кўнгул била бир бўлғай.

Гўзал ва ёқимли, яна дил билан бир бўлган тил яхшироқдир. Телба қулогга панд — қуюн оёғига банд.

Табиий душман вақте дўст бўлғайким, сув ўтти учурмағай ва ел туфроғни совурмағай.

Тўқлуғ ҳирсин кўнгулдин йўқ қил, ўзунг оч бўлиб, бир очни тўқ қил.

Тилингни ихтиёрингда асрағил, сўзунгни эҳтиёт била деғил.

Тенгридин раҳм агар тамач қилсанг, Аввал ўлмоқ кераксан элга раҳим. Ҳар кишиким, улусқа раҳм этмас, Анга раҳм айламас раҳимни карим.

Худодан раҳм умидвор бўлсанг, аввал ўзинг бошқаларга раҳм қил. Одамларга раҳм қилмайдиган кишига Оллоҳи карим ҳам раҳм қилмайди.

Топмасанг давр ахлидин меҳру вафо, айб этмаким, Бутмамиш бу мева даврон боғининг ашжорида. Замона аҳлида меҳру вафо топмасанг, уларни айблама, чунки бундай мева дунё боғининг дарахтларида ҳеч қачон битмаган.

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган

Тошкент вилояти, Покент туманидаги 32-ўрта умумтаълим мактаби томонидан 2005 йилда Ирзаева Жумагул Бердикуловага номига берилган № 1589458 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ШОДЛИГУ ҚУВОНЧЛАР УДАШГАН БАЙРАМ

НАВРЎ УМУМХАЛҚ БАЙРАМИНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИИВ ЁНГИН ХАВФСИЗЛИГИ ОЛИЙ ТЕХНИК МАКТАБИ ЖАМОАСИ ЎЗГАЧА КАЙФИЯТ БИЛАН ҚУТИБ ОЛДИ. ОЛИЙ МАКТАБДА РЕСПУБЛИКА ИИВ ВА ЎЗТЕЛЕРАДИОКОМПЛАНИСИ СПОРТ ТЕЛЕКАНАЛИ ҲАМКОРЛИГИДА «НАВРЎ» УМУМХАЛҚ БАЙРАМИ ВА ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ЙИЛИГА БАҒИШЛАБ «МЕҲРУ МУРУВВАТГА ТЎЛИБ КЕЛ, НАВРЎ» НОМИ БАЙРАМ ТАДБИРИ ЎТКАЗИЛДИ.

Унда Ички ишлар вазирини ўринбосари полковник Ш.Т.Икромов, ИИВ ШТБХ бошлиғи ўринбосари полковник А.Сатторов, Республика ИИВ Фахрийлар кенгаши раиси истеъфодаги генерал-майори Ф.Р.Раҳимов, Республика ИИВ Тошкент Олий ҳарбий техника билим юрти бошлиғи, генерал-майор Ш.Н.Ниезов, Ўзбекистонтелерадио компанияси спорт телеканали ижодий жамоаси, Сергели тумани ҳокимлиги вакиллари ҳамда тингловчиларнинг ота-оналари ва қариндош-уруғлари иштирок этди.

Тадбирда Мирҳамидова Малохат ва Абдумаликова Лутфинисолар олий мактабда таълим олаётган барча курсантларнинг ота-оналарини номидан сўзга чиқиб, ўз фарзандларини мана шундай чидамли, жасоратли, ватанга садоқатли мард ўғлонлар қилиб тарбиялаётганликлари, етук мутаассис бўлиб камол топишда яратилган барча шарт-шароитлар, юксак эътибор учун юртбошимизга, вазирилик ва мактаб педагогик жамоасига

миннатдорчилик билдиришди.

Тадбир дастурини ўрин олган мактаб спорт терма жамоаларининг қўл жанги, «самбо», профессионал бокс, карате, жанговар самбо, кикбоксинг, муайтай, ёнғин ўчириш амалий спорт мусобақалари, «Халқаро тоифадаги спорт устаси», ўзбек қураши ва дзюдо буйича қўллаб калқаро турнирлар ҳамда жаҳон ва китъамиз чемпионатларининг кўп қарра ғолиби, мактаб жанговар ва хизмат тайёргарлик кафедраси ўқитувчиси, катта лейтенант Абдулла Тангриевнинг шоғирдлари билан кўргазмали чиқишлари барчада катта таассурот қолдирди. Байрам тадбирининг бадиий қисмида анграган жозибали куй-қўшиқлар барчани хушнуд этди. Юксак уюшқоқлик ва кўхна анъаналаримизни яна бир бор жонлантирган тадбир сўнгида барча иштирокчилар сумалар ва турли баҳорий таомлар тортилган дастурхондан баҳраманд бўлишди.

«Туркистон-пресс»

БОЛАЛАР МУАССАСАСИДА ОЧИҚ ДАРС

Алишер Навоий номидаги республика нафис санъат лицейи қошидаги боғча-мактабда «Одоб — инсон зийнати» мавзусида очик дарс бўлиб ўтди. Уни таниқли олимпиа, қатор дарслик ва ўқув қўлланмалар муаллифи, педагогика фанлари доктори, профессор Қумри Абдуллаева олиб борди.

Очиқ дарс ноанъанавий тарзда—сўхбат асосида ўтказилди. Ўқувчилар ўз қарашларини саҳна кўринишлари орқали намойиш этдилар. Дарс сўнгида лицей фаоллари, ўқитувчилар ҳамда ота-оналар тадбир юзасидан фикр алмашишди.

СУРАТДА: очик дарсдан лавҳа. Муҳаммад Амин (ЎЗА) олган сурат.



ПОЙТАХТДАГИ КИНОЧЛАР УЙИДА «ЎЗБЕККИНО» МИЛЛИЙ АГЕНТЛИГИ ТОМОНИДАН 2006 ЙИЛДА СУРАТГА ОЛИНГАН ФИЛЬМЛАРГА БАҒИШЛАНГАН ИЖОДИЙ АНЖУМАН ЎТКАЗИЛДИ.

Кино оламида ЙИЛ САРҲИСОБИ

Унда режиссёр Ж.Исҳоқовнинг «Ҳақиқий эркаклар ови», З.Мусоқовнинг «Ватан», Е.Тўйчиевнинг «Чашма», Музаб Боймухаммедовнинг «Қасамед», Ф.Жалоловнинг «Катта ойи», Ж.Пўлатовнинг «Гузалик сирини», М.Охуновнинг «Бегоналар», ёш кинорежиссёр Т.Мусоқовнинг «Осмон яқин» номли дебют фильми, шунингдек, Ф.Файзиёвнинг «Ҳаёт хали олданда», С.Назармухаммедовнинг «Соғинч соҳили» каби тўла метражли бадиий фильмлари муҳокама қилинди.

Анжуманни «Ўзбекино» Миллий агентлиги Бош директори, Ўзбекистон Киноарбоблари Бирлашмаси раиси Аъзам Исҳоқов кириш сўз билан очди. Унда «Ўзбек миллий киноси: муаммо ва истиқболлари», «Истиқлол гоғалари ҳужжатли кино талқинида» каби маърузалар қилинди ҳамда киночиларнинг 2006-2007 йилдаги ижодий фаолияти ҳақида маълумот берилди.

Булардан ташқари анжуманда режиссёр Х.Мингнарнинг «Табии», «Гап», «Хайвонот боғи», «Робия» номли қисқа метражли фильмлари, «Ўзбекфильм» киностудиясида суратга олинган мультипликацион фильмлар, «Ўзкинохроника»нинг ҳужжатли фильмлари ва «Қорақалпоқфильм»да суратга олинган киноленталар ҳақида ҳам танқидий ва ижобий фикрлар билдирилди.

Биз юқориди санаб ўтган барча фильмлари томошабинлар республикамизнинг барча кинотеатрларида, шунингдек, зангори экран орқали томоша қилишлари мумкин.

Ушбу фильмларнинг қай даражада - ҳам техник, ҳам ижро жиҳатдан - замон талабларига жавоб бериши зукко томошабинлар ҳукмига ҳавола.

Иброҳим ЧОРИЕВ

ЎЙЛАМАСДАН СЎЙЛАМА

Ха, чиндан ҳам ўйламасдан сўйлайдиган бор, албатта. Айниқса улар кўпинча ўзларини ноёб қобилиятли инсонларга ўхшатишади. Шундай башоратчилар бўлса бордир. Бироқ, бундай иқтидорлилар қамдан-қам топилади. Лекин улар орасида биз тилга олмоқчи бўлгандек, билиб-билмай бичиб-тўқийдиганлар ҳам учраб туради. Айниқса, сўнги йилларда турли соҳаларда ўзини мана шундай хислатли қилиб кўрсатишга уринаётганлар ортиб бормоқда. Улар қимиларидан ҳавойи гапларига ишониб «ундай бўлди, бундай бўлди» деб содда одамларни лақиллатиб қоришади. Агар гапларидан гумонсирайдиган бўлсангиз, қасам ичиб бўлса-да ўз айтганларига сизни ишонтирмақчи бўлишади. Баззида уларнинг гапига учиб қоласан ҳам киши.

Кайсидир бир дўстимизнинг набири тўйи муносабати билан берилган арталабки ошни ўтказиб қайтардик. Ора-

зум ўтириб турсанг бўлмасмиди? — шўх-қувноқ овоз эшитилди гўшақдан.

— Ха, энди ҳалиги...

— Чайнамай гапир. Тинчликми, бирор юмушинг бормиди менда. Айтавер.

— Юмуш-ку йўқ. Ўзинг тинчмансан ишқилиб. Ишлаб турибсанми?

— Нима, биров сенга мени ишдан ҳайдади, деб башорат қилдими? — шўх қулди у.

— Ха, кеча бировдан шунга ўхшаш гап эшитувдим-да.

— Ким айтиди?

— Номини суриштирмай қўя қол. Ўзинг тинч бўлсанг бўлгани. Мен бу гапга бир ишониб, бир ишонмагандим.

— Ишимда ўзгариш бўлгани рост. Лекин ишдан четлатилганим йўқ. Лавозимим бир поғона кўтарилди.

Уни гўё табриқлангандек бўлиб, фақат «че, шунақами, шунақами?» деб чайналамам ҳолос. Мулзам бўлганимдан, озғимча шундан бошқа бирор сўз келмайди. Бироз ўзини тўтиб олгач, тилга кирдим. Узр сўраган бўлдим.

бўлмайди. Бундай кишилар улугқидан узокдир.

Қиссадан ҳисса чиқариш ҳар кимнинг ўзига ҳавола.

ТЕПКИЛАБ КИЙМАДИК

Кийим-кечак бир нави, ҳар қалай тўрт-беш йил қиясиз. Лекин пойабзал масаласида бу гапни айтиб бўлмайди. Чидамларининг нархи осмонда, бу баҳони ҳар кимнинг ҳамма кўтариверамайди. Шундай бўлгач, хоҳлайсизми-йўқми, ўртамеъна, ёки арзон-гаров пойабзал харид қилишга мажбурсиз.

Яқинда биз ҳам мавсумбоп пойабзал қидириб, Эски Жува бозорига бордик. Ёйма бозорни айланиб кўзимиз қамашди. Расталарга турли-туман териб қўйилган пойабзаллар ўз харидорини кўтиб ётибди. Қимматбахоси ҳам, арзон-гарови ҳам бор. Уни кўриб, бирини танладик.

— Мана шуниси маъқул келди, айтинг баҳоси қанча?

— Сизга олти минг.

— Тўрт минг пулимиз бор. Шуни берамиз.

— Бироз қўшинг, ҳеч бўлмаса беш минг қилинг.

Талашиб-тортишиб, тўрт минг сўмга — сотувчининг гапига қараганда сув текинга харид қилдик. Янги пойабзални уч-тўрт кун кийиб-қиймай, унинг ич томонига солиб елимланган юпқагина чарм матоси кўчиб кетди. Оёғимизга михи ботиб қийишга қийналдик. Юнусобод бозори этағидаги қатор кетган пойабзал таъмирлаш усталаридан бирига кўрсатдик.

— Шунинг таглигини елимлаб берсангиз.

— Узиники ярамайди, кўчиб кетаверади. Бошқа таглик қўйиш керак.

— Ҳали янги-ку, балки ўзиникини ёпиштириб берарсиз, — дедик хизмат ҳақининг кам бўлишини ўйлаб.

— Бошқа, каттиқроқ таглик қўймаса бўлмайди. Гапимга ишонмасангиз бошқалардан сўраг.

Табийки, ён-атрофдагилар ҳам устанин сўзини маъқуллашди.

— Яхши, иккита таглик учун неча сўм берамиз.

— Бир ярим минг сўм бўлади.

— Ахир пойабзалнинг нархи тўрт минг бўлса, сиз арзimas таъмир учун бир ярим минг сўрасангиз. Бу қанақаси бўлди, сал инсоф билан айтинг.

Уста сўзида маҳкам турди. Унча-мунча гапга қўнмади. Ноилоҳ рози бўлди.

— Мана энди тепкилаб қиясиз, — деди уста таъмирдан чиққан пойабзалимизни олдимизга ташлаб.

Афсуски уни тепкилаб қиймадик.

Ҳафта ўтмай таглик яна кўчиб кетди. Бу сафар қайси устага учраймизу, у қандай нархни айтаркин?

ЗИЙРАК БОБО ШАҲАР КЕЗАДИ

— Ким айтиди, сени тажрибали мутаассис деб. Шунақа бўлар-бўлмас гапларга ишонаверасанми? — дўстим ранжигандек бўлиб деди менга ва сўнг қўшиб қўйди. — Майли, бу ҳам бир сабоқ-да. Бундан кейин билиб-билмай қилинган башоратларга лаққа тўшиб юрма.

Уша башоратчи сўхбатдошимнинг сўзига кириб дўстимнинг кўнглини одам деб аксинча унинг бироз бўлса-да, дилини оғритиб қўйганим учун ўзимни қаттиқ қойдим.

Шунақа азизлар. Сизлар ҳам «ноёб» қобилиятли кишиларнинг билиб-билмай қилган турли-туман башоратларига қўлда учаверманг. Аксинча мен каби ноқулай вазиятга тушиб қоласиз.


ИМ ВА ХУНАР

Илм — юксак тоғ, унга чиқиш қийин. Нодонлик — чуқур чоҳ, тушиш осон, чиқиш қийин. Хунарманд киши ҳеч қачон хор бўлмайди, оғир кунларда хунари туфайли ўз ризк-рўзини топиб ейди.

Илм ва хунар ҳақида гап кетганда бир ҳикоят эсимга келаверади. Бир кунни дони

САХОВАТДАН ЧЕТДА ҚОЛМАЙЛИК

Мамлакатимиз пойтахти—Тошкент шаҳрида жойлашган, халқимиз маънавий меросининг узвий бир қисми бўлган Ҳазрати Имом (Ҳастимом) меъморий мажмуасида қурилиши, таъмирлаши ва ободонлаштириши ишларини амалга ошириш мақсадида «Ҳазрати Имом (Ҳастимом) жамоатчилик жамғармасини қўллаб-қувватлаш тўғрисида» Президентимиз томонидан қабул қилинган Қарор бундан ҳамюртларимизнинг кўнгилларини хушқуд этди. Зеро, ушбу Қарор муқаддас ислом дини ва фалсафасини, унинг инсонпарварлик қояларини кенг ёйиша хизмат қилиб келаётган ширк илмий-маърифий марказининг асл тарихий қиёфасини тиклаш, бу ерда кенг қўламли қурилиш-таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларини амалга ошириш, мажмуанинг инфратузилмасини ҳар томонлама ривожлантиришда муҳим ўрин тутади.



ҲАЗРАТИ ИМОМ (ҲАСТИМОМ) ЖАМОАТЧИЛИК ЖАМҒАРМАСИНИНГ ХИСОБ РАҚАМЛАРИНИ МАЪЛУМ ҚИЛАМИЗ:
СТИР: 206849483
МФО: 00423
Х/р: 20212000604589442001
АТИБ Ипотека банки Меҳнат филиали

ЖАМҒАРМА ҒАРБГА ЙЎЛ ОЧМОҚДА

АЙНИ КУНЛАРДА, ҚУТЛУҒ НАВРЎ БАЙРАМИ АРАФАСИДА ЎЗБЕК МАДАНИЯТИ НАМОЯНДАЛИРИ, САҢЪАТИМИЗ УСТАЛАРИ «ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЯТИ ВА САҢЪАТИ ФОРУМИ» ЖАМҒАРМАСИ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ТАРКИБИДА ЕВРОПАНИНГ МАРКАЗИ ҲИСОБЛАНМИШ ПАРИЖДА МИЛЛИЙ КУЙ ВА ҚЎШИҚЛАРНИ, ЎЗБЕК МАДАНИЯТИНИНГ РАНГ-БАРАНГ КИРРАЛАРИНИ ЎЗИДА МУЖАССАМЛАШТИРГАН ШОУ ДАСТУРЛАРИНИ НАМОЙИШ ҚИЛИШЯПТИ. ШУНИНГДЕК, МИЛЛИЙ ФОТОСАҢЪАТНИНГ РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИНИ ЎЗИДА АКС ЭТИРУВЧИ «ЎЗБЕК ФОТОСУРАТЧИЛИГИГА 125 ЙИЛ» ДЭБ НОМЛАНГАН КЎРГЎЗМА ЎТҚАЗИЛМОҚДА.

Бу маданий тадбирлар «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармасининг Францияда ваколатхонаси очилиши муносабати билан амалга оширилмоқда. Айтиш жоизки, жамғармининг Парижда ваколатхонаси очилиши ва ЮНЕСКО халқаро ташкилоти билан «Узаро ҳамжихатлик тўғрисида меморандум» нинг имзоланиши МДХ ҳудудидаги нодавлат ташкилотлар фаолиятида ҳам жуда муҳим воқеа ҳисобланади.

Жамғарма томонидан ўтказилаётган бу тадбирлар Европа минтақасидаги мамлакатларнинг Ўзбекистон билан маданий ҳамкорлигини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади. Дунёга Ал-Хоразми, Беруний, Ибн Сино, Улугбек, Навоий, Бобур сингари қўллаб алломо улуғ инсонларни етказиб берган ҳамда бой тарихга эга Ўзбекистонга европалар доимо катта қизиқиш билан қараб келган. Самарқанд, Бухоро, Хивадаги

бугунги кунгача Франциянинг бир қанча таниқли ташкилотлари билан ҳамкорлик муносабатларини ўрнатишга улгурди. Масалан, ЮНЕСКО нинг Париждаги штаб-квартираси билан фаол ҳамкорлиги натижасида Тошкентда бир неча марта кўрғазмалар, Марказий Осиё мамлакатлари ёшларининг фестивали ўтказилди. Тошкентда очилган кулчилик мактабида эса ёш истеъоддор мактаб топмокда.

Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармасининг Парижда ваколатхонаси очилиши билан боғлиқ дастур доирасида Лувр кўрғазмалар мажмуасида мусиқа, рақс каби миллий маданиятимизнинг замонавий йўналишдаги ихроси намойиш этиляпти.

Хусан СУЛАЙМОНОВ, «Туркистон-пресс»

Спорт янгиликлари

ЖАМОАДАРИМИЗ МУВАФФАҚИЯТИ

ОСИЁ ЧЕМПИОНЛАР ЛИГАСИ ГУРУҲ БАҲСЛАРИНИНГ ИККИНЧИ ТУР БЕЛЛАШУВЛАРИ МАМЛАКАТИМИЗНИНГ ПЕШҚАДАМ ЖАМОАЛАРИ «ПАХТАКОР» ВА «НЕФТЧИ»ГА МУҲИМ ГАЛАБАЛАРНИ ТУҲФА ЭТДИ.

Ўтган биринчи турда Осиё футбол конфедерациясига аризани вақтида бермаганлиги учун Эроннинг «Истиклол» жамоаси «Пахтакор» билан куч синашмаган ва тошкентликларга техник галаба берилган эди. Кунни кеча Кувейтнинг «Кувейт» СК жамоаси меҳмони бўлган «Пахтакор» айтиш жоизки, мезбонлардан кўра кучлироқ ўйин намойиш этди. Майдонда тўп билан эркин ҳаракат қилиш, майдон марказини эгаллаб рақиб дарвозасига хавфли ҳужум уюштириш бобида мезбонлардан устунлик қилган Раваҳан Ҳайдаров шогирдлари 1:0 ҳисобидаги галабани қўлга киритди. Муҳлисларга қувонч ҳада этган ушбу ягона голни 69-дақиқада Александр Клецов дарвозага киритди.

